

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 6585702665801

МАМАТИСАҚОВ ШЕРЗОДБЕК ТУРСУНБОЙ ЎҒЛИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ЗАРУР
ИНФРАТУЗИЛМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
Иқтисодиёт фанлари доктори,
проф. Б.Салимов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.


17 - сонли баённома « 27 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: Салимов Б.Т.


ИМЗО

_____ сана

Магистрант: Маматисақов Ш.Т



ИМЗО

_____ сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 15 ” 05
№ 001 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муздари, доц. И.Хотамов


“ 3 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 16 ” 05 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертация ишида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш стратегиялари аҳамияти ўрганилган. Ишда мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналар саноат корхоналари фаолияти таҳлили ва ривожлантириш стратегиялари тушунчаси ўрганилган ва изоҳ берилган. Шунингдек, Эркин иқтисодий зоналарда саноат корхоналарини ривожлантиришнинг назарий асослари ўрганилган ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган, Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган ҳолда илмий жиҳатдан ривожлантириш бўйича тавсиялар келтирилган. Диссертация якунида саноат корхоналарини ривожлантириш стратегияси борасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини солиққа тортишга доир меъёрий-ҳуқуқий базаси, эркин иқтисодий ҳудудларда солиқ режимларини жорий этиш ва амал қилишининг хусусиятлари ҳамда мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналаридаги корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари, мавжуд солиқ имтиёзлари ва преференциялари ўрганилган ва кенг таҳлил этилган. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги солиқ режимларини такомиллаштиришнинг халқаро тажрибаси ва уни Ўзбекистонда татбиқ этиш йўллари ҳамда эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини солиқлар воситасида таъминлаш йўллари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: Эркин иқтисодий ҳудудлар, эркин савдо ҳудудлари, илмий ишлаб чиқариш ҳудудлари, экспорт ҳудудлар, оффшор ҳудудлар, техник-технологик ҳудудлар, экологик ҳудудлар, туристик ҳудудлар, "Шенжен", "Чжухай", "Шантоу", "Хайнан", "Пудун" ЭИҲ.

ANNOTATION

The importance of development strategies of industrial enterprises was studied in this master thesis. In the work, the analysis of the activity of the industrial enterprises of the free economic zones of our country and the concept of development strategies were studied and explained. Also, the theoretical foundations of the development of industrial enterprises in Free Economic Zones have been studied and their specific features have been highlighted. At the end of the dissertation, scientifically based proposals were developed regarding the strategy of development of industrial enterprises. The regulatory framework for taxation of free economic zones, features of the introduction and implementation of tax regimes in free economic zones, economic indicators of enterprises in free economic zones of our country, existing tax benefits and preferences have been studied and extensively analyzed. The international experience of improving tax regimes in free economic zones and the ways of its implementation in Uzbekistan, as well as the ways of ensuring the efficiency of free economic zones by means of taxes, are defined.

Keywords: *Free economic zones, free trade zones, scientific production zones, export zones, offshore zones, technical and technological zones, ecological zones, tourist zones, "Shenzhen", "Zhuhai", "Shantou", "Hainan", "Pudun" EIZ .*

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	7
	Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
	Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	8
	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	9
	Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	10
	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	10
	Дисертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
I БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ	12
1.1.	Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	12
1.2.	Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	21
1.3.	Эркин иқтисодий ҳудудларнинг макро ва микроиқтисодиётдаги аҳамияти	24
II БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	42
2.1.	Тадқиқот назарий ва методологик асослари	42
2.2.	Маълумотларни тўплаш жараёни.....	43
2.3.	Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	44
	ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ	
III БОБ.	ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ЗАРУР ИНФРАТУЗИЛМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	45
3.1.	Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг таҳлили: ривожланиши, фаолияти ва амалдаги инфратузилма ҳолати.....	45
3.2.	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари	54
3.3.	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш ва уларга инвестицияларни жалб этиш борасидаги имтиёзлар	65
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	76
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78
	ИЛОВА	82

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, эркин иқтисодий ҳудудлар махсус хўжалик тузилмалари сифатида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Кўпчилик давлатлар хорижий капитални жалб қилиш ва иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини ривожлантириш мақсадида бир неча асрлар давомида ўз ҳудудларининг бир қисмида имтиёзли шарт-шароитларни яратиб келган. “Ҳозирда дунёнинг 147 та мамлақатида 5500 дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, жаҳон савдо айланмасининг 20-25 фоизи эркин иқтисодий зоналарга тўғри келмоқда ва уларда 70 миллионга яқин одам ўз меҳнат фаолиятини юритмоқдалар”. Халқаро амалиётга мувофиқ, эркин иқтисодий ҳудудлар замонавий халқаро меҳнат тақсимотининг кенг тарқалган шакли бўлиб, ривожланиши суст бўлган ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, ушбу ҳудудларда мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиши ва мамлакат иқтисодиётига кенг кўламда хорижий инвестицияларнинг жалб этилишида улар фаолиятини ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ҳамда экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини изчил ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарда махсус солиқ режимлари жорий этилган бўлиб, ушбу режимни қўллашда хорижий инвесторлар учун қатор рағбатлантириш чоралари белгиланган. “Биз